УзССР Давлат китоб палатаси
Т 10594
Государственная палата УзССР

Илм — ўзни билмакдир

МАҒРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 4 май, чоршанба** | № 23 (6610). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Тест синови — қулай ва адолатли усул, билимни қадрлаш, билимлини эъзозлаш омили.

"Таълим — таъминот — тадбиркор — 94": анжумандан мақсад тажриба ва фикр алмашиш, муаммоларни биргаликда ҳал этишдан иборат.

Республика илмий-педагогик кутубхонаси илмий-методик, библиография-ахборот ва мувофиқлаштирувчи марказдир.

Мустақил ватаннинг илк нишондорлари

2 май куни республика Вазирлар Маҳкамасида мустақил Ватанимизнинг биринчи олий нишони – "Соғлом авлод учун" орденини топшириш ва тантанали маросим бўлди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, ижодий ва бадиий жамоалар вакиллари ҳозир бўлди. Маросимни республика Президенти Ислом Каримов табрик нутқи билан очди ва мукофотланганларга "Соғлом авлод учун" орденини тантанали суратда топширди.

Юксак нишон соҳиблари – Ф. Сулаймонова, С. Эшонтўраева, А. Хлебушкина, Д. Таганиязова, С. Хонназаров, Л. Цой, М. Ашрапова, О. Алимаҳсумов, Ш. Ёрматов мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтириш борасидаги камтарин хизматларини юксак қадрлагани учун республика ҳукумати ва Президентига миннатдорлик билдирди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ватанимизда инсон саломатлиги, фуқаролар осойишталиги, келажак авлод камоли доимий диққат-эътиборда бўлиб келаётгани, бу эса халқнинг буюк давлат барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида суръат бағишлаётгани таъкидланди.

"Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланганлар орасида халқаро ташкилот вакили ҳам бор эди. Чунончи, БМТ болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вакили Экрем Бирединк жаноблари Ватанимизнинг олий нишонига сазовор бўлди. У орденни қабул қилиб олар экан, юксак эътибор учун ўзбек халқига, Ўзбекистон ҳукумати ва Президентига миннатдорлик изҳор этди, Ўзбекистонда соғлом авлодни вояга етказиш борасида катта ишлар қилинаётганини зўр мамнуният билан таъкидлади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, "Саодат" журналининг бош муҳаррири Ҳ. Худойбердиева, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармасининг раиси Ш. Ҳўжаев "Соғлом авлод учун" ордени нишондорларини жамоатчилик номидан муборакбод этди.

"Соғлом авлод учун" орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, Х. Жўраев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Қадрли дўстлар!

Айни дақиқаларда барчамиз ҳаяжонли ва тантанали бир воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун бу ерга мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон —"Соғлом авлод учун" орденини топшириш маросимига йиғилдик.

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти заҳиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарёю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоён этишга ҳаракат қилади.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказаётган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараши мумкин.

Табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчдир.

Шуни алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завол етказмай сақлаб келмоқда. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл эътиборига кўра бизнинг заҳматкаш халқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда, халқимиз фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади.

Азиз биродарлар!

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Оллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш "Соғлом авлод учун" ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди.

Бинобарин, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сидқидилдан адо этадиган, ёш авлод камолоти учун ўзини бағишлайдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Уларни улкан давлат вазифасини бажараётган одамлар сифатида ҳар томонлама ҳурмат-иззат қиламиз.

Улуғ халқимизга муносиб ҳалол, меҳнаткаш, билимдон, она юртимизга, элимизга садоқатли, баркамол ёш наслларни тарбиялаш ишониб топширилган жамиятимиз аъзолари аввало ана шу фазилатлар соҳиби бўлмоқлари даркор.

Мен мана шу залда ўтирган биринчи галда бу юксак мукофотга лойиқ кўрилган барча ҳурматли юртдошларимизни ана шундай инсонлар деб ҳисоблайман. Айни пайтда мамлакатимиз тарихида илк марта шу орденга сазовор бўлган ака-ука, опа-сингилларимизни муборакбод этишни ўзимга улкан шараф деб биламан.

Муҳтарам дўстлар! Бизга Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш каби масъулиятли даврда яшаш насиб этди. Истиқлолдек буюк неъматнинг қадрига етадиган, уни мустаҳкамлайдиган, ўз қадр-қимматини биладиган соғлом авлодни тарбиялаш ҳаммамизнинг зиммамизга тушди. Ишонаманки, бу олий ва масъулиятли вазифани астойдил адо этамиз.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчилик ва тўсиқларни енгишда, озод ва обод Ўзбекистон давлатини барпо этишда бутун эл-юрт аҳлига куч-ғайрат тилайман.

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғри эканини тан олмоқда.

Давлатимизнинг олий нишони — "Соғлом авлод учун" орденини топширар эканман, сизларни яна бир бор муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик тилайман.

ҲАМКАСБЛАР УЧРАШАДИЛАР

Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетгач, илгаригидек мажбурият юклашлар, бири-бирига мос келмайдиган турли қарорларни бажаришга даъватларга чек қўйилди. Эндиликда мустақил республикамиздаги барча тармоқлар қаторида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида ҳам таълим-тарбия жараёнини янгича йўналишда шакллантиришнинг ўзига хос усуллари, дастур ва режалари мавжуд. Шу билан бирга ҳамдўстлик давлатлари билан ҳам алоқалар тобора мустаҳкамланиб, ўзаро тажрибалар алмашилмоқда, илғор ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги Марказий Осиё ҳамда Россия Федерацияси халқ таълими вазирликлари билан таълим-тарбияни янада юксалтириш, ёшларга сабоқ беришда жаҳондаги илғор тажрибалардан амалда фойдаланиш ҳамда муҳим дарсликлар ва дастурлар яратишда ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги фикримизнинг далилидир.

Икки йилдирки, Россия Халқ таълими вазирлигидан юртимизга илғор педагоглар келиб, қисқа даврда эришилган тажрибаларни ўрганишмоқда. Ўз навбатида педагогларимиз ҳам, ўқувчиларимиз ҳам Россияда ўтказилаётган халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини кўрсатмоқдалар.

• Ўзбекистон — Россия

Ҳамдўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида илгари тузилган шартномага асосан Россия халқ таълими вазирлиги вакиллари билан бўлажак учрашув олдидан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида йиғин бўлиб ўтди.

Вазирлик ходимлари, республикада ўз тажрибалари, ташаббуслари билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келаётган илғор ўқитувчилар россиялик ҳамкасблари билан 16 майда бўладиган учрашув юзасидан ўзаро фикр алмашиб олдилар. Учрашувда Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этди.

Мухбиримиз.

• 1945 Жасорат, садоқат, абадият 1995

Муқаддас ғалаба

Мамлакатимизда Ғалабанинг 50 йиллиги умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига ҳозирлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида"ги Фармони давлат, сиёсий ва жамоат ташкилотлари, фахрийлар кенгашлари учун бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари Кенгашининг раиси Бектош РАҲИМОВ мухбиримизга бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Яна бир йилдан сўнг — 1995 йил 9 майда бутун ер юзидаги миллион-миллион тинчликсевар кишилар фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини кенг нишонлайдилар. Тарих саҳифаларига жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеа сифатида абадул-абад қайд этилган бу Ғалаба ўз мазмун эътибори билан уруш ҳамища халқлар бошига кулфат ёғдирувчи, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирувчи, инсонлар қалбида битмас жароҳатлар қолдирувчи бир вабо эканлигидан, шу боисдан тинчликни қадрлаш ва уни мустаҳкамлаш учун халқлар ҳаммавақт курашишлари зарурлигидан бизни огоҳлантириб туради.

Ғалаба — ҳамма учун муқаддас. У ўқида эл-юртнинг мард ва жасур фарзандлари жасоратини, халқ қаҳрамонлиги, матонати ва ватанпарварлигини жамулжам этган абадият. Ана шуларни назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Президенти "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида" Фармон қабул қилди. Бу тарихий ҳужжат ўзбек халқининг урушдаги жасорати мангуликка дахлдор эканлигининг яна бир далилидир.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг йирик, мисли кўрилмаган уруш бўлди. Унда ер юзидаги 61 давлат, 80 фоиздан зиёд аҳоли иштирок қилди. Уруш 40 давлат ҳудудида олти йил давом қилди. Урушда 1,7 миллиард аҳоли қатнашди. Бевосита Қуролли Кучлар сафида 110 миллион киши жанглар олиб борди. Қирғинбарот жангларда инсоният энг катта талафот кўрди ва дарё-дарё қонлар тўкилди. 50 миллион одам қирилди. Моддий бойликлар зарари 356 миллиард долларни ташкил қилди. Собиқ СССР халқлари урушнинг асосий оғирлигини бошдан кечирдилар. Улар немис фашизми, япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабада ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

Мана шундай оғир йилларда ўзбек халқи ҳам урушда, ҳам фронт ортида мислсиз мардлик ва жасорат кўрсатди. Фронтларда юз минглаб ўзбекистонлик ўғлонлар мардонавор жанг қилдилар. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, улардан 400 минг киши урушдан қайтмаган, ўн минглаб жангчилар майиб, мажруҳ ҳолда ўз хонадонига кириб келди.

Алангали йўлларни босиб ўтганлардан ҳозир Ўзбекистонда 102 минг киши яшамоқда. Улар орасида педагоглар, олимлар ва бошқа зиёлилар ҳам бор. Бу фахрийларимиз ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар билим масканларидаги "Жанговар шон-шуҳрат" хоналарини ташкил этишда, ёшларнинг "Оталарнинг жанговар йўллари" солномаларини яратишда, "Изтопарлар" ишларини уюштиришда ўғил-қизларга кўмаклашмоқдалар.

Ўзбекистонликларнинг Ғалабани таъминлаш учун фронт ортидаги фидойилиги, уруш оғирликларини енгишдаги матонати бутун бир қаҳрамонлик эпопеясини ташкил қилади, десак янглишмаймиз. Ўша йиллари фронт чизиғидан кўчирилган завод ва фабрикаларни жойлаштириш ва тезкорликда ишга тушириш, энергия ресурсларини барпо этиш, қисқа муддатларда қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқариш ва фронтга етказиб бериш, ўз халқини ва фронтдаги жангчиларни озиқ-овқатлар, мевалар, дори-дармонлар, бутун мамлакатни зарур хомашё — пахта билан таъминлаш энг муҳим вазифалардан эди. Бу ишларни бажариш асосан кексалар, 13-17 ёшли болалар ва аёллар зиммасида бўлди. Ўзбек халқи бардошли, меҳнатсевар, ватанпарвар халқ эканлигинигина эмас, балки буюк саховатли эл эканлигини ҳам амалда намоён этди. Уруш бораётган ҳудудлардан кўчирилган бошпанасиз минг-минглаб етим-есирларни ўзбек хонадонлари ўз бағрига олди ва тарбиялади.

Умуман, серқуёш диёримизнинг ҳар бир хонадони Ғалабани тезлаштиришга улуш қўшди. Ўзбекистонликлар тўплаган маблағдан яралган танк колонналари, самолётлар, Ўзбекистон ўқувчилари йиғган темир парчаларидан қуйилган тўплар фашист газандаларига қирон келтирди.

Тонгларни тунларга улаб қилинган меҳнат, ёз жазирамасида ва қиш изғиринларида чекилган заҳматлар, очлик, юпунлик, "қора хат" изтиробларига шукроналик — буларнинг ҳаммаҳаммаси ўзбекистонликларга хос бўлган бардошлилик, матонат; фидойилик, ғалабага ишонч руҳидир. Бу мардлик ва жасоратлар юзлаб хотира китобларига манба бўлишга арзийди, албатта. Шу боисдан Президентимиз Фармонига биноан мустақил Ўзбекистонда 1995 йил апрелга қадар давлат буюртмаси асосида ва давлат ҳисобидан урушдан қайтмаган 400 минг кишининг рўйхатини жамлаган хотира китоби чиқарилади. У жами 27 жилд (китоб) бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасининг 6-та нашриётида чоп этилади.

Яқинда республика уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик тадбирлари белгилаб олинди. Пленум уруш қатнашчилари номини абадийлаштириш мақсадида боғлар, хиёбонлар, ўрмон-дарахтзорлар яратиш тўғрисидаги фахрийлар ташаббусини маъқуллади. Уруш ва меҳнат фахрийлари Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига баҳорги ва кузги дарахт экиш мавсумида ибрат кўрсатишга, ҳар бир фахрий 3 тадан мевали, 10 тадан терак кўчати экиб, парваришлаб, ўстиришга аҳд қилдилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уруш ва меҳнат фахрийларининг кам таъминланган табақаларига моддий ёрдам қилиш учун махсус фонд ташкил этишга ҳам қарор қилинди.

"Тинчлик тарғиботчиси ва курашчиси бўламиз. Ёшларни ватанпарвар, авлодлар жасоратига садоқатли этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшамиз. Бутун куч-ғайратимизни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимизнинг тотув яшашига, юрт фаровонлигига сафарбар этамиз!". Уруш ва меҳнат фахрийларининг умумхалқ байрамига тараддуд кўришдаги фаолиятининг асосий мақсади ана шундай бўлади.

Ҳа, бугунги кунларда Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланадиган умумхалқ байрамини ҳар жиҳатдан муносиб қаршилаш ҳаракати авж олмоқда. Оралиқдаги бир йил эса ёш авлодга фашизм устидан қозонилган ғалабанинг моҳиятини англатишда, "Ҳамма нарса фронтга, ҳамма нарса ғалабага!"— дея мардлик ва жасорат кўрсатган кекса авлоднинг улуғ хизматларини қадрлашда, она-Ватанга муҳаббат, миллатлараро дўстлик, тинчликни эъзозлашда, келажаги буюк мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фуқароларини эл-юртга садоқатли этиб камол топтиришда, шубҳасиз, узлуксиз устиворлик даври бўлиб тарих солномаларидан ўрин олади.

Суҳбатдош Маҳкам РАҲМОНОВ.

Суратда: Собир Раҳимов туманидаги 106-махсус мактаб-интернат фахрийси, уруш қатнашчиси Рашид Қаюмов ўқувчилар даврасида.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

ҲАЁТБАХШ АСАРЛАР

Ўтган йили Америка матбуотларидан бирида журналист Владимир Пильняк "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятига эътибор бериб, беқарорлик давом этаётган кўпгина давлатларнинг раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништирса, ёмон бўлмас эди",— деб ёзганида буни хорижлик мухбирнинг эҳтироми дея тушунганлар ҳам бўлди.

Бироқ жамиятда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда, меҳнаткашларни ҳам маънавий, ҳам ижтимоий муҳофаза қилишда, шунингдек, шаклланаётган бозор муносабатларини босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишда Президентимиз Ислом Каримовнинг бир қатор асарлари ва рисолалари ҳамдўстлик давлатларида ҳам кенг ўрганилаётганлиги америкалик журналист Пильняк билдирган мулоҳазалар нақадар ҳақ эканлигидан далолат.

Эндиликда Президентимиз асарларидан фойдаланишнинг илмий-назарий ва услубий асослари мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олий таълим тизимида кенг ўрганилмоқда. Айниқса, ички ва ташқи бозор муносабатларини шакллантириш, талабаларга ҳуқуқий давлат мажмуаларини ўргатишда ана шу асарларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Куни кеча шаҳар "Билимлар уйи"нинг катта залида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда Тошкент ҳуқуқшунослик ижтимоий таъминот техникуми ҳамкорлигида "Олий ва ўрта махсус таълим тармоқларида Президентимиз Ислом Каримов асарларидан фойдаланишнинг услубий асослари" мавзуида илмий-амалий кенгаш бўлиб ўтди.

Анжуманда ҳуқуқшунослик ижтимоий-таъминот техникуми директори Меҳмонқул Ниёзов бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, ички бозорни шакллантириш ва бу борада жаҳонда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишда Президент Ислом Каримов асарларининг аҳамияти, ана шундан келиб чиқиб, ёшларни тарбиялашда педагоглар олдида турган муҳим вазифалар хусусида маъруза қилди.

Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов, Тошкент техника университети профессори Тоҳир Қодиров, фалсафа фанлари доктори Ўрол Абилов нутқлари ҳам анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Олимлар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган илмий-амалий кенгаш қизғин ва қизиқарли ўтди.

Анжуман қатнашчилари Президентимиз асарларини чуқур ўрганиш, ёшларга таълим-тарбия бериш тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан илм даргоҳлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тарбиячилари, педагог ва олимларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

• *Тест синови — давр талаби*

ҚУЛАЙ ВА АДОЛАТЛИ УСУЛ

УНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ БИЛИМНИ ҚАДРЛАШ, БИЛИМЛИНИ ЭЪЗОЗЛАШ

Икки йилдирки, республикамизда олий ўқув юртларига ўқишга кирувчилар учун қабулнинг тест усули қўлланилмоқда. Ўтган давр мобайнида тест синовларининг ҳар томонлама қулай ва адолатли эканлигига амин бўлдик. Аммо, кези келганда, шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, илк тажрибалар бу усулни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республика ва чет эл олий ўқув юртларига тест синови орқали қабулни ташкил этиш юзасидан эришилган ижобий тажрибаларни ўрганиб чиқиш, ижодий имтиҳонлар самарадорлигини ошириш, қабул жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш мақсадида махсус комиссия тузилди.

Мухбиримиз комиссия раиси, Ўзбекистон халқ ноиби, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти совриндори, Тошкент автомобиль йўллари институтининг ректори, профессор Салим ПЎЛАТОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Салим Пўлатович, тест синовларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан. Давлат ва умумхалқ аҳамиятига молик бу хайрли ва шарафли юмушни бажаришда нималарга асосланиб иш юритаяпсизлар?

— Давримиз чўнг маънода янгиланишлар давридир. Биргина олий таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришларнинг ҳам санаб саноғига етиш қийин бугунги кунда. Кўп босқичли таълим тизимига ўтилиши, ўқитувчиларнинг шартнома асосида хизматга олиниши, ўқув-ўқитув ишларида рейтинг назоратини қўллаш, янги университетлар, лицей ва коллежлар ташкил этилиши, иқтидорли талабаларимизнинг чет эл олий ўқув юртларига ўқишга юборилиши, аълочи талабаларни рағбатлантириш... Буларнинг ҳар бири беқиёс аҳамият касб этади. Олий ўқув юртларига ўқишга кирувчилар учун тест синовларининг жорий этилишичи!!!

Тест усулининг муҳим жиҳатларидан бири инсонни ҳурмат қилиш, билимни қадрлаш, шахсни эъзозлашдир. Тест фақат билимли, иқтидорли ёшларга олий мактабларда ўқишга йўлланма берадиган, адолатлилиги, ҳаётийлиги жиҳатидан инқилобий аҳамият касб этадиган усулдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тест синови Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб жумҳуриятимизда жорий этилди. Ўтган давр мобайнида бу янги усул нечоғлиқ афзал эканлигига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Галдаги вазифамиз юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасида 1993 йил 15 июлда бўлиб ўтган кенгашда алоҳида уқтириб ўтганларидек, бу усулни мамлакатимиз шароитига мослаб, янада такомиллаштиришдир.

Бизнинг 9 кишидан иборат комиссиямиз аъзолари шу эзгу мақсад йўлида фаолият кўрсатмоқдалар. Дастлабки ишни олий ўқув юртларида талаба тизимини янада ривожлантиришга оид тўпланган ижобий тажрибаларни ўрганишдан бошладик. Республикамиздаги барча олий ўқув юртлари раҳбарларига мактуб йўллаб, уларнинг бу борадаги таклиф ва мулоҳазалари билан қизиқдик. Шу аснода 20 дан зиёд олий ўқув юрти раҳбарияти номидан ҳар томонлама мукаммал, бизнинг шароитимизга мос таклифлар тушганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Бундан ташқари, тест синовларини такомиллаштириш юзасидан ривожланган чет эл олий ўқув юртлари тажрибаларини чуқур ўрганиб, улардан самарали фойдаланишни режалаштираяпмиз.

— Ёшларимизнинг тест синовларидан муваффақиятли ўтишлари учун ҳамма имкониятлар мавжудми? Бу борада қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

— Мустақил республикамизнинг истиқболи, ҳамма жабҳалардаги тараққиёти ёшларимизнинг билимига, мутахассисларимизнинг малакасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мутахассис тайёрлашдек ўзгу ишга дастлабки пойдеворни мактабгача тарбия муассасаларидан, мактабларда билим сифатини яхшилашдан бошламоқ лозим. Бунга ўтган икки йиллик талаба танлови тажрибаларини таҳлил қилиш натижасида яна бир карра гувоҳ бўлдик.

Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий базаларини мустаҳкамлаш, ўқув дарсликларининг сифатини яхшилаш ва ўқувчиларимизни дарсликлар билан етарли миқдорда таъминлаш, таълим-тарбия ишларига давр талабига мос ва фидойи педагог ва мураббийларни жалб этиш ғоят муҳим вазифалардан. Бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларида мумкин қадар мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ўқув дастурларини мукаммал, сермазмун ва қизиқарли қилиб тузиш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш зарур. Шу билан биргаликда болаларни табиат ва жамият ҳодисаларига қизиқтира билиш, улар турли тўгаракларда қатнашишлари ва билимларини мукаммаллаштиришлари, чет тилларни муфассал ўзлаштиришлари учун кўрик ва олимпиадаларда фаол қатнашишларини таъминлаш, электрон-ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланиш йўлларини ўргатиш бу йўлдаги дастлабки самарали воситалардир.

— Комиссия тест синовларини такомиллаштиришга оид яна қандай таклифларни ўртага қўймоқда?

— Тест синовлари таълим жараёнида чуқур сифат ўзгаришларини юзага келтиради, десак муболаға бўлмайди. Ана шу ўзгаришларни янада ривожлантиришнинг, мақсадга йўналтиришнинг асосий мезони эса ўқув режасининг ўқувчилар томонидан тўла-тўкис ўзлаштирилишидир.

Ёшлар бошланғич ва таянч босқичидаги маълумот асосларини эгаллаганларидан сўнг тажрибада ўзини оқлаган, ихтисослашган таянч мактабларидан ташқари мутахассислик йўналишларини танлашларига кўмаклашиш олий ўқув юртларига иқтидорли ёшларни қабул қилишнинг энг самарали усулидир. Бунинг учун катта шаҳарларда, биринчи навбатда, камида олти йўналиш — муҳандислик, иқтисод, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, педагогика ва ижтимоий гуманитар фанлар бўйича лицейларда иқтидорли ёшларни ўқитиш лозим. Кейинчалик имкониятига қараб ҳар бир шаҳар ва туманларда ҳам махсус лицейлар очиш мумкин.

Республикамизнинг демографик хусусиятларини ҳисобга олиб барча ёшларни мактабга жалб этиш, бошланғич ҳамда таянч мактабларда ўқитиш, иқтидорлиларни танлаш, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришларини кузатиш, кўрик ва олимпиада ғолибларини қатъий ҳисобга олиш, рағбатлантириш жараёнларини кузатиб бориш мақсадида республика миқёсида социологик тадқиқот маркази ташкил қилиш зарурдир. Шу билан биргаликда уни етарли миқдорда ҳозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари, тажрибали дастурчи мутахассислар билан таъминлаш чораларини ҳам кўриш керак.

Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Улар орасида олий мактабда ўқиш истагида бўлганлари кўпчилик. Имтиҳон вақтида уларнинг ҳар бирининг билим даражасини бир кунда, бир вақтнинг ўзида аниқлаш нақадар мураккаблигини ҳам эътибордан четлатмаслик лозим. Энг муҳими, кўпчиликнинг эътиборини тортаётган тест синовларини ниҳоятда осойишталик ва хотиржамлик билан ўтказиш заруратидан келиб чиқиб, шошма-шошарликка йўл қўймай, абитуриентларнинг билим савияларини аниқлаш ва бу вазифани босқич а-босқич амалга ошириш даркор.

— Тест синовлари неча босқичдан иборат бўлади ва қандай амалга оширилади?

— Тест синовларини икки босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқичда барча абитуриентларнинг, яъни олий ўқув юртларига ўқишга киришни хоҳловчиларнинг, у хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ ўқувчи, бундан қатъи назар, умумий савияси аниқланади, нисбатан билимдонлари танланиб, кейинги босқичга тавсия этилади. Шу мақсадда уларнинг она тили ва адабиёт, тарих, география каби фанлардан салоҳиятини аниқловчи тест синовларини ўтказиш маъқул. Бу синов умумий бўлиб, қайси олий ўқув юртига боришидан қатъи назар, барча ёшларга тааллуқлидир. Ана шу жараёнда уларнинг тахминан 50 фоизи саралаб олинади.

Биринчи босқич синовларини йилнинг биринчи ярмида вилоят марказларида, Нукус, Тошкент шаҳарларида ўтказиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қулайлик яратади. Унда ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ва олий ўқув юртига ўқишга киришни истовчи бошқа ёшлар қатнашишлари мумкин. Бунинг учун республика тест маркази синов савол-жавобларини тузиш имкониятига ва кўчма компьютерларга эга бўлиши керак. Бу ишга вилоятлардаги имкониятлар ҳам сафарбар қилинса, график бўйича бир ҳафта ичида синовларни осойишталик билан ўтказиб олиш мумкин. Электрон ҳисоблаш машиналарини қўллашнинг афзаллиги шундаки, компьютерларнинг ҳозиржавоблиги, савол ва жавобларни ҳар гал бетакрор вариантда бир дақиқадаёқ ўрнини алмаштириш каби имкониятларга эгалиги жуда қўл келади. Асосийси, ҳар бир абитуриент ўз билимининг баллар орқали баҳоланганлигини ўша заҳотиёқ кўради, бу борада аниқ маълумотга эга бўлади.

Илк босқичнинг яна бир аҳамияти шундан иборатки, биринчидан, барча абитуриентлар ўз билимларини яшаш жойларида осойишталик, хотиржамлик билан тест синовлари орқали намоён қиладилар. Иккинчи босқичга ўтиш учун эълон қилинган умумреспублика балларига ўз балларини таққослаш имконига эга бўладилар. Иккинчидан, бу босқичда аниқланган маълумотлар ёшларни олий ўқув юртларидан ташқари ўрта махсус билим юртларига, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларга ишга танлаб олишда ҳам қўл келади.

Навбатдаги босқич абитуриентларни танлашда ва институтга қабул қилишда ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Бу вақтда умумреспублика ўртача балидан юқори натижаларга эришган иқтидорли ёшлар сараланиб, олдинги босқичг нисбатан деярли икки баравар кам кишини ташки қилади. Босқич синовларини тахминан июль ойида Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида ёшлар танлаган йўналишга қараб, биринчи босқич имтиҳонлари натижасини эътиборга олган ҳолда мутахассислик учун асосий ҳисобланган фанлар мажмуаси асосида ўтказиш кўзда тутилади. Масалан, техника олий ўқув юртларига кириб ўқимоқчи бўлганлар ўрта мактаб ҳажмида математика ва физикадан синовлар топширадилар. Имтиҳонлар олдидан консультациялар уюштириш, бу ишга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда мактабларнинг тажрибали ўқитувчиларини жалб қилиш ижобий самара беради.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат қабул комиссияси ҳар иккала босқичда ўпланган баллар салмоғига қараб минимум (энг пастки) ўтиш балларини белгилайди.

— Тест синовлари муваффақиятини таъминловчи асосий омилларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, тест саволлари пухта ўйланган, ўрта мактаб дастурига асосланган ва жумҳуриятимиз ёшларининг ўртача билим савияларига мос бўлиши керак. Лекин мактабларда ўқиш шароитлари яхшиланган, ўқув дастурлари такомиллашган сари тест савол-жавоблари ҳам мураккаблашиб бораверади. Масалан, 1993 йилги савол-жавоблар 1992 йилдагига нисбатан 10 фоиз мураккаброқ бўлди, институтларга билим даражаси анчаюқорироқ ёшлар қабул қилинди.

Тест усули аста-секин ҳамманинг, жумладан, ота-оналарнинг ҳам диққат-эътиборини фарзандларининг пухта билим олишлари учун кўмак беришга қаратмоқда. Бу ишга энг тажрибали усулиятчи педагоглар ва фидойи мураббийлар ҳам жалб қилиниши лозим. Чунки тест усули ёшларнинг мактабда олган билимлари асосида мустақил фикрлаш қобилиятларини ҳаққоний аниқлаш йўлидир.

— Кўпгина олий ўқув юртларида тест синовларидан олдин ижодий имтиҳонлар ўтказиш анъанаси ҳам бор. Шундай имтиҳонлар зарурми, зарур бўлса, қандай тартибда ўтказилиши керак?

— Баъзи олий ўқув юртларида (Ўзбек давлат консерваторияси, Ўзбек давлат жисмоний тарбия институти, Тошкент маданият институти, Тошкент санъат институти, Тошкент давлат архитектура-қурилиш институти ва бошқалар) тест синовларининг иккинчи босқичи олдидан ижодий синов шарт. Уларни шу соҳаларнинг билимдон, зукко мутахассислари, зарур ҳолларда тажрибали ўқитувчилар иштирокида ўтказиш маъқулдир.

Шуни ифтихор билан айтиш мумкинки, илгари қўлланилган баҳо тизимига нисбатан балл билан абитуриентлар билимини баҳолашнинг афзаллик томонлари жуда кўп экан. Бунда инсонга бўлган ҳурмат, шахсни эъзозлаш асосий ўринда туради.

— Сиз бошчилик қилаётган комиссия фаолияти тест синовларини такомиллаштиришга қаратилган. Эътирозларингиз, таклиф ва истакларингиз...

— Ушбу саволларингизга жавобан қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳозирги тест синовларида абитуриентнинг билим даражасини баҳолаш саволларнинг ҳар бир тўғри жавобига фанларнинг мажмуасига (блок) нисбатан ҳар хил даражалидир. Жумладан 1,1; 2,1; 3,1 баллар қўлланилаяпти. Бироқ бу мезон ҳар қанча ўринли бўлмасин, жамоатчилик ўртасида баъзи бир тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, техника олий ўқув юртларида математикадан ҳар бир тўғри жавобга 3,1 балл, она тили ва адабиётдан 1,1 балл баҳо қўйиш белгиланган. Бўлажак муҳандис учун математиканинг аҳамияти албатта катта, аммо давлат тилининг деярли уч маротаба кам баҳоланиши эътироз туғдириши эҳтимолдан холи эмас. Чунки математикадан энг енгил саволнинг тўғри жавобига қўйилган балл она тили ва адабиётдан энг мураккаб ва қийин саволнинг тўғри жавобига қўйилган балга нисбатан уч марта юқори. Ўтган йилларда савол-жавоблар шу тарзда баҳоланганлиги учун кўпчилик асосий эътиборни математика (3,1) ва физика (2,1) га қаратиб балл тўплашга интилди. Бундай ҳоллар рўй бермаслиги учун, эҳтимол, ҳар бир фаннинг ҳар бир тўғри жавобига бир хил баллар белгиланса, тўғрироқ бўлармиди?!

Шунингдек, биринчи босқич, ижодий синов ва иккинчи босқич синов балларининг бир-бирига нисбатан ўзаро салмоғи алоҳида ўрганилиб, мутахассислар фикрига асосан аниқланмоғи лозим.

— Сизнингча, абитуриентлар мутахассисликни қай тартибда танлаганлари маъқул?

— Бу муаммо мактабни энди битирган ёшлар учун анча мураккаб. Ундан ташқари, бугунги кунда олий мактаб кўп босқичли тизим асосида мутахассислар тайёрлашга ўтди. Бакалавриатнинг биринчи ярмида асосан умумтаълим, фундаментал ва ижтимоий фанлар ўзлаштирилиб, 3-курсдан мутахассислик фанларига ўтилади.. Шуни ҳисобга олиб, биринчи босқичда мутахассислик бўйича эмас, балки (умумий йўналиш) муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, тиббиёт, педагогика, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича абитуриентлар танловини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ўқишнинг дастлабки икки йилида талабаларга мутахассислик танлашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш керак. Соҳа бўйича ишлаб чиқариш экскурсиялари ташкил этиш, ихтисослик кафедралари мутахассислари ва олимлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш, талабада тўла-тўкис тасаввур ҳосил бўлгандан сўнг касб танлаш маъқулдир.

Кези келганда, айтиб ўтиш лозимки, ёшлар олий ўқув юртига кириш учун ариза топширганларида танлаган йўналиши бўйича бир қанча институтларни хоҳишларига қараб кўрсатишлари лозим. Масалан, муҳандислик йўналиши бўйича: Тошкент давлат Техника дорилфунуни, Тўқимачилик ва енгил саноат, Автомобиль йўллари, Транспорт, Алоқа ва электротехника институтлари ёки Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Нукус давлат университетлари мутахассисликлар мажмуаси бўйича кўрсатилиши мумкин. Абитуриент шу йўналишлар бўйича аниқланган мажмуадан имтиҳон топширса-ю, тўплаган балл аризасида кўрсатилган биринчи институт рейтинги — ўтиш балидан паст келса иккинчисига, ундан ҳам паст келса, бали етган навбатдаги институтга тавсия этилади. Яъни, аризада кўрсатилган институтларнинг абитуриент учун муҳимлигини ҳисобга олганда кетма-кетлик асосида, улар тест синовларида нисбатан йиққан кўп баллар ва институт рейтингини ҳисобга олиб, тест маркази республика қабул комиссиясига ўз мулоҳазасини киритади. Шундай қилиб, конкурс йўналиш бўйича умумий бўлиб, талабаларга барча мутахассисликлар бўйича ҳар томонлама тушунча бериб, ўқиш натижалари билан факультет ва ихтисосликни рейтинги билан солиштирган ҳолда ҳал қилган маъқул.

— Комиссия аъзолари келгуси тест синовларига қандай янгилик ва ўзгаришлар киритишни таклиф қилмоқдалар?

— Таклифларимиз талайгина. Мен улардан энг асосийларига тўхталаман. Биринчидан, республика миқёсида бир вақтда, қисқа муддатда тест синовлари ўтказилишига қарамай, уларнинг натижалари эълон қилинишини бир ой кутиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, синов натижалари фанлар мажмуаси бўйича абитуриент йиққан баллари миқдорини ҳозирги замон ҳисоблаш машиналари, факс ва бошқа техника воситалари ёрдамида узоғи билан икки-уч кун ичида маълум қилинса, айни муддао бўлар эди. Шундай экан, ҳозирги фан ва техника тараққиётининг янги ютуқларидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш зарур. Давримизнинг ноёб техникаси ҳисобланган электрон-ҳисоблаш машиналарининг мукаммаллиги тест синовларини республикамиз миқёсида бир кунда ўтказишга имконият яратиб беради.

Иккинчидан, республика марказида жойлашган олий ўқув юртларига кириш учун ариза берган абитуриентлар йўл харажатлари сарфлаб Тошкент шаҳрига келишлари шарт эмас. Электрон-ҳисоблаш машиналарининг имкониятларидан фойдаланиб тест имтиҳонларини вилоятларда алоҳида жадвал билан ўтказиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Бу тадбирни амалга ошириш учун синов пайтида алоҳида ЭҲМлар билан жиҳозланган 10—12 вагондан иборат поезд состави ташкил қилинса, нур устига нур бўлур эди. Республика талаба танлови маркази кўчма тест ўтказиш бошқармасининг кўчма поезд состави "Экосан" вагонларига ўхшаб халқимизга бирмунча қулайликлар яратиб берар эди.

Тест усулидаги қабулнинг энг нозик томонларидан бири, барча абитуриентларнинг (фақат Олий таълим вазирлиги бўйича 80 минг киши) бир кунда ва бир вақтда белгиланган хоналарга кириб ўтиришларини таъминлаш анчагина мушкуллик туғдиради. Бу ўринда гап ҳар бир абитуриентнинг шахсини аниқлаш устида кетаётир. Баъзи бир абитуриентлар ўз билимларига ишонмай ўринларига бошқа бир билимдон кишини жалб қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Тест варақаларида жавобларни фақатгина нуқта билан белгилаш ҳам бунга қўл келади ва айрим шахсларни нотўғри йўлга ундайди. Демак, ҳар бир абитуриент шахсини, билим савияси ва бошқа кўрсаткичларини адолат билан аниқлаш тест синовларининг асосий омилларидан бўлиб қолиши керак.

Шу мақсадда ҳар бир абитуриент билан у ариза берган кундан бошлаб тез орада муттасадди ўртоқлар томонидан батафсил суҳбат ўтказиш, қабул қоидаларига ва қонунга қатъий амал қилиш, консультациялардан самарали фойдаланиш, уларнинг ниҳоятда муҳимлигини тушунтириш, масъулиятни сездириш, абитуриентнинг таржимаи ҳолига доир асосий маълумотларни компьютер хотирасига ёзиб қўйиш, синовга кириш олдидан абитуриентнинг ўз шахсини аниқлаш (расм, паспорт, рухсатнома)га ёрдам берувчи ҳужжатларни ниҳоят даражада синчиклаб текшириш керак. Шу билан бирга тест саволлари топшириш вақтида исм-шарифи ва имзоси қўйиладиган алоҳида-алоҳида шаклдаги билдиргич тўлдириш, уни ҳужжат топширилаётган пайтда тўлдирилган анкета билан солиштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқишнинг дастлабки кунлари имтиҳон топширилган фанлардан бошланғич ички назорат ўтказиб, шахснинг қўшимча равишда аниқланиши ҳам фойдадан холи эмас.

Яна бир муҳим масала: белгиланган режани иқтидорли ёшлар ҳисобига тўлдириш мақсадида, агар юқорида кўрсатилган сабабларга кўра жой бўшаб қолса, республика қабул комиссияси томонидан ҳар бир ўқув юртига мўлжалланган қабул режасининг 1 ёки 2 фоизи миқдорида ўтиш балига ёндош, энг яқин балл тўплаган абитуриентларни резерв (заҳира) сифатида 10 сентябрга қадар ўқишга жалб қилиш зарур.

— Халқ орасида бу йил кечки ва сиртқи бўлимлар тугатилар эмиш, деган гаплар тарқалган. Шу тўғрими?

— Миш-мишларга ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча, кечки ва сиртқи бўлимларда ўқишни истаган кишиларга олий ўқув юртлари жамоалари барча шарт-шароитларни яратмоғи, институтлар қошида тайёрлов курслари, ишчи факультетлари ташкил топмоғи, бу ўқув йўналишига энг тажрибали, моҳир усулиятчилар жалб қилинмоғи даркор.

Кечки ва сиртқи қабулдан ташқари, ҳозирги иқтисодий танглик шароитида олий мактабларни дунё мезонига етказиш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун шартнома усулидан ҳам фойдаланиш бозор шароитида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадни кўзда тутган ҳолда, хоҳиши борларни шартнома асосида маълум миқдорда пул тўлаш ҳисобига ўқитиш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг йўлланмаси билан ҳамда шахсларни ўз маблағлари ҳисобига, маблағлари бўлмаган тақдирда банклардан ссуда олиш ҳисобига ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш ҳам яхши натижа беради, деб ҳисоблаймиз.

Қабул режасига, институтнинг моддий базаси ва бошқа имкониятларни ҳисобга олиб, нисбатан камида 20 фоиз миқдорида ёшларни, шундай тартиб билан ўқишга қабул қилиш ҳам давр тақозосидир. Албатта, бу шахслар ҳам конкурс асосида қабул қилиниб, уларнинг тест синовларида тўплаган баллари асосий ўтиш бали қуйи чегараси миқдорининг энг камида учдан бир қисмини ташкил этиши лозим.

Институтларнинг илгари ўзини оқлаган ишчи факультутларида давлат қабул режасининг маълум бир улушини қўйиш, ўқиш муддатини бир йилга узайтириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрадиган па келди. Асосий мақсад — ҳамма битирувчиларнинг билим савиялари умумий талабга жавоб бериши шарт. Шартнома асосида институтга қабул қилинган талабаларга ўқиш даврида факультатив тарзда ва қўшимча дарслар ташкил қилиш, уларнинг ўз устларида мустақил ишлашини кучайтириш учун шартномадан тушган маблағнинг маълум қисми ҳисобига ўқитувчи ва олимларни рағбатлантириб бориш ўринлидир.

— Республикамизда иқтидорли ёшларни ривожланган давлатларга ўқишга жўнатиш анъанаси ҳам барқарорлашмоқда. Чет эл олий ўқув юртларига талаба саралашда нималарни инобатга олиш лозим?

— Мустақил юртимизнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши иқтидорли, фидойи мутахассисларга боғлиқ. Ана шундай мутахассислар тайёрлашнинг яна бир йўли чет эл олий ўқув юртларига иқтидорли ёшларни ўқишга юборишдир. Бундай ишончга сазовор бўлмоқ учун, энг аввало, билим ҳамда тил, Ватанга садоқат каби фазилатлар мужассамлигини эътиборга олмоқ жоиз. Биринчи навбатда, чет эл олий ўқув юртларига қабул давлат томонидан қатъий тусда режалаштирилиши, қайси институт, қайси мутахассисликка қанча ўрин ажратилганлиги матбуот орқали эълон қилиниб, қабул қоидаларига муфассал риоя этилиши шарт. Чет эл олий ўқув юртларига ўқишга жўнатилаётган ёшлар учун тест синовлари ижодий имтиҳонлар билан узвий боғлиқ ҳолатда ўтказилиши зарур.

Шу ўринда яна бир нарсани ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Чет эллардан Ўзбекистон олий ўқув юртларига ҳар йили кўплаб ёшлар ўқишга келишади. Институтларга шартнома асосида қабул қилинган бу ёшлар белгиланган ўқув гуруҳларида иқтидорли ёшлар билан ўқишади. Бизнингча, улар ҳам институтларимизга тест синовлари орқали қабул қилинса, олий мактабларимиз обрўси яна бир карра юксалган бўларди.

Мана, навбатдаги тест синовларига ҳам оз муддат қолди. Абитуриентларнинг тест ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, пухта тайёргарлик кўришларини инобатга олиб ўтган йиллардаги тест синови бўйича савол-жавоблар тўпламини аҳоли ўртасида тезликда тарқатиш лозим.

Биз юқорида тест , синовларини такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазаларимизни билдирдик, холос. Халқимизда "Кўпдан кўп фикр чиқади", — деган нақл бор. Таклиф ва мулоҳазаларимизни кенг жамоатчилик муҳокамасига ташлаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Ўйлаймизки, муштарийлар бу муҳим масалага бефарқ қарамайдилар.

Суҳбатдош Зубайда УСМОНОВА.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

САВОЛ: Мустақил Ўзбекистонимиз равнақи учун тил билган мутахассислар нечоғлик зарурлигини кўпчилик қатори мен ҳам яхши тушунаман. Шунинг учун ўғлимнинг келгусида тил бўйича ўқиб-ўрганишини жуда истардим. Мен Тошкентда ўқувчиларни биринчи синфдан қабул қиладиган лицейлар бор ва уларда инглиз тили компьютерлар ёрдамида ўргатилади, деб эшитгандим. Ҳақиқатан ҳам бундай лицейлар мавжудми?

А. ЗОКИРОВ.
Сирдарё вилояти.

ЖАВОБ: Тошкент шаҳридаги мактабларнинг кўпчилигида лицей синфлари очилган бўлиб, уларда чет тиллари муваффақиятли ўргатилмоқда. Компьютерлаштирилган лицей синфларини келгусида очиш режалаштирилган. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 567-боғчада компьютер ёрдамида инглиз тилини ўргатиш йўлга қўйилган. Бундай ҳайрли ишларни келажакда янада ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Тошкент шаҳридаги лицейларда ўқимоқчи бўлган ўғил-қизларнинг албатта пойтахт пропискаси бўлиши шарт.

***

САВОЛ: физика-математика чуқур ўргатиладиган мактаб-интернатда ишлайман. 1993 йили "Физика — Қуёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси кенгашида номзодлик диссертациясини ёқладим. Олий ўқув юртларида мутахассисларга фан номзоди бўлгани учун ойлик иш ҳақига қўшимча ҳақ тўланади. Бу қоида мактабда ишлаётганларга ҳам тааллуқлими? Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда ишлаётган фан номзодларига қанча қўшимча ҳақ тўланишини билмоқчи эдим.

Қ. ҲОЖИЕВ.

ЖАВОБ: Республикамиз Президентининг 1994 йил 26 февралда чиққан "Меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 1994 йил 1 мартдан бошлаб мактаблар,мактабгача ва мактабдан ташқари ўқув-тарбия муассасаларида ишлаётган фан номзоди бўлган мутахассис ходимларнинг ойлик иш ҳақи ставкаларига 1375 сўм-купон қўшилмоқда. Шуни маълум қиламизки, Халқ таълими вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига қўшимча ҳақларни ошириш ҳақидаги таклиф билан мурожаат қилинган.

Танлов ғолиблари

Яқинда Тошкент шаҳар Болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида шаҳар Етакчи-94 кўрик-танлови ўтказилди. Унда Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Сирғали, Миробод, Собир Раҳимов, Акмал Икромов ва Чилонзор туманларидаги ўрта мактабларнинг етакчилари иштирок этдилар.

Етакчилар беллашувда ўзларининг мураббийлик фаолиятидаги янгиликлар, ҳозирги замон ўқитувчиси зиммасига қўйилган талаблар, миллий амалий санъатлари, ўқувчилар билан ўтказаётган энг қизиқарли тадбирларини, бўш вақтларида нима билан машғул бўлишларини саҳнада қизиқарли ва жозибали тарзда намоён қилдилар. Айниқса, А. Икромов туманидаги 209-ўрта мактаб етакчиси Кимёхон Адашеванинг эркин мавзу бўйича ижро этган "Йиғлама" ашуласи кўпчиликка манзур бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ Сирғали туманидаги 2-ўрта мактаб етакчиси Лена Кочетова биринчи, Миробод туманидаги 147-ўрта мактаб етакчиси Евгений Колабасин ва М. Улуғбек туманидаги 27-ўрта мактаб етакчиси Елена Шакарова иккинчи, А. Икромов туманидаги 209-ўрта мактаб етакчиси Кимёхон Адашева ҳамда Юнусобод туманидаги 21-ўрта мактабнинг етакчиси Мўътабар Тўхтасинова учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиблар Тошкент шаҳар Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази томонидан ажратилган Фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

— Биз бу кўрик-танловга анча вақтдан буён қизғин тайёргарлик кўриб келган эдик, — дейди шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази раҳбари М. Ҳамзаева. — Шу боис кўрик-танлов ниҳоятда қизиқарли ва сермазмун ўтди. Ниятимиз ана шундай кўнгилочар тадбирларни тез-тез ўтказиб туришдир.

**Улуғбек

• *1945 жасорат, садоқат, абадият 1995*

Алпомишлар эл ичида бўлади

Уруш қатнашчиси Пўлат Мўминов билан учрашиш мақсадида унинг Зангиота тумани Хонобод қишлоғида жойлашган ҳовлисига борар эканман, жасорат ва мардлик хусусидаги мулоҳазалар ҳаёлимни тарк этмасди: жасорат, мардлик ва жасурлик қадим-қадимдан авлоддан-авлодга кўчгувчи туғма хусусиятми? Балки кимнингдир қаҳрамонона ҳаёт йўли, кимнингдир мардлиги унинг учун намуна бўлгандир? Ёки у болалик кезлариданоқ Алпомиш, Гўрўғли достонларини тинглаб, мардлик ва жасорат кўрсата билиш руҳида тарбиялангандир?

Ўй-хаёллар билан кетаётиб, шу қишлоқлик, узоқ йиллар география муаллими бўлиб ишлаган Жўраевой Маҳмудовга дуч келиб қолдим.

— Айтолмайсизми, Мўминов домла уйидамикин?

— Мен ҳам уни кутяяпман. Неварасининг айтишича, дўконга чиқиб кетган эмиш. Ўтган ҳафта уруш қатнашчилари, ногиронлари учун дўконга гўшт келтирилган экан. Эскироқ экан...

Ж. Маҳмудов билан домла келгунича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "1941—1945 йилларидаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида"ги Фармонининг нақадар аҳамиятлилиги, бозор ва бугунги тижоратчилар, ўғил-қизларни тарбиялашда эътиборни нималарга қаратиш зарурлиги каби мавзулар бўйича гаплашиб ўтирдик.

Бир маҳал Алпомиш келбатли қорачадан келган, юзларидан нур ёғилиб турган киши — Пўлат Мўминовнинг ўзи келиб қолди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраштик. Ичкарига кирдик.

Бир пиёла чой баҳона суҳбат давом этди. Ниҳоят уруш мавзуидан сўз очдим ва оғир кунларни бошидан кечирган одамларнинг таълим-тарбия хусусидаги фикрлари биз учун ғоятда зарурлигини таъкидлаб қўйдим.

— Ука, агар билсангиз, урушни эслашдан ёмони йўқ. Эҳ-ҳе, бу бош нималарни кўрмади, дейсиз? Ундан сўзласам, беш-олти кун гаранг бўлиб юраман.

У хийла вақт сукут сақлади ва таржима ҳолини қисқача гапириб беришга рози бўлди.

Пўлат Мўминов Қорасув, (ҳозирги Зангиота) туманидаги Хонобод қишлоғида таваллуд топди. Ота-онасидан эрта етим қолди. Тақдир тақозоси билан Чоржўйдаги болалар уйида тарбияланди. Кейинчалик Чоржўй дарё транспорти техникумида таълим олди. Кемаларнинг бирида механик бўлиб ишлади.

1941 йилнинг 15 майида армияга чақирилди. Керки (Термиз яқинида)даги ҳарбийлар шаҳарчасида дастлабки тайёргарликдан ўтди. Кейин машқлар Ашхобод шаҳри яқинида давом эттирилди. Ҳарбийларнинг хизматга чақирилган йигитларни машқ пайтларида Эрон чегарасигача тоғма-тоғ югуртириб, машғулот ўтказган кезлари бўлди. Пўлат ака тайёргарлик даврида унча қийналмади. Чунки у техникумда ўқиб юрган чоғларида гимнастика билан шуғулланган ва I разрядли спортчи деган номга эга бўлган эди.

Сентябрь ойи бошларида улар Москва шаҳри яқинидаги Кагинский деган жойга келиб тушишди. Душман бу пайтда Москва остоналарига яқинлашиб қолган эди. У ерда миллий туркман бригадаси тузила бошлади. Бунда Пўлат Мўминов таржимонлик ҳам қилди.

Рус, ўзбек, тожик, туркман тилларини яхши билгани ҳамда паҳлавон келбатли бўлгани учун уни Люберци шаҳридаги ветеринария институти биносида янгидан ташкил этилган пиёда ўқчилар билим юртининг командирлар тайёрлайдиган курсига ўқишга юборишди. Билим юртида у 9 ой ўрнига 3,5 ой таълим олди. Имтиҳонни муваффақиятли топширди. Ҳаттоки, синов пайтида қўл гранатасини 60—70 метрга улоқтира билди. Унга кичик лейтенант унвони берилди...

Пўлат ака бошқарган полк разведкачилари бўлинмаси Сталинград, Курск остоналарида мардонавор жанг қилди. Тарихда чуқур из қолдирган Курск ёйидаги жанглардан бири унинг ёдидан ҳеч кўтарилмайди.

Аёвсиз жанглар пайтида бўлинма қаттиқ қаршиликка учради. Душман тепаликда, улар эса анча пастда, сув ичида туриб қолишди. Кимдаким сувдан бош кўтаргудек бўлса, душман ўқига нишон бўлади. Баъзан қамишдан най ясаб, нафас олишга тўғри келди. Бунинг олди олинмаса, чоратадбири изланмаса, ҳамма нобуд бўлади ё касалликка чалинади.

Уч-тўрт киши қамишзор оралаб, яқин атрофдан сим арқон топиб келишди. Энди кечаси сувга шўнғиб бориб, уни жарлик тепасига чиқадиган қилиб боғлаш керак. П. Мўминов бу вазифани ўз зиммасига олди. Вазифа муваффақиятли уддаланди. У ўзига ўхшаган довюрак, эпчил жангчилардан 8 кишини ажратиб олди. Улар жарлик тепасига чиқиб олишгач, 500 метр узунликдаги окопни шовқинсиз, тадбиркорлик билан немислардан тозалади. Шундай қилиб, бўлинма тепаликнинг бир қисмида жойлашиб олди ва бошқа жангчиларга йўл очди.

Эрталаб немислар қарашса, "Гуляев майдони" ёнидаги тепаликнинг ярми эгалланган. Жонжаҳдлари билан жангга киришдилар. Аёвсиз жангда 8 минг кишидан 200 киши тирик қолди. Кейинчалик бу жой "Ажал водийси" номи билан тарихга кирди. Ўша урушда П. Мўминов Алпомиш деган ном олди.

Шундан кейин Пўлат ака қуролдош дўстлари билан Борвенково шаҳрини озод этишда иштирок этди. Командирлар "Бу шаҳарни сен озод қилдинг!" деб, унинг кўкрагига "Қизил Юлдуз" орденини тақиб қўйишди. Қаҳрамон бу ерда Чуйков, Малиновскийлар билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлди.

Иккинчи "Қизил Юлдуз" орденини ўзбек, туркман, қирғиз, тожик миллатига мансуб кишиларга командирлик қилган пайтида олди. Дастлабки пайтларда айримлар Ўрта осиёликлар жанг қилишни умуман билишмайди, дейишган экан. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Урушга келганларнинг аксарияти армия ёшидан ўтган кишилар эди.

Пўлат Мўминов юртдошларига ўқ отиш қуролларидан қандай ва қай тарзда фойдаланишни ўргатди. Уларга урушда кўзи пишиганлардан командир тайинлади. 1943 йил 1 октябрь куни Запорожье остонасида бўлган жангда Ўрта осиёликларнинг донғи чиқди. Ҳатто, "Туркистонликлар Питер дивизиясидан ҳам яхши жанг қилди", деган баҳо олишди.

Пўлат ака урушда уч марта — бўйнидан, қулоғи орқасидан, оёғидан яраланди. Шундай бўлса-да, гоҳ разведкачи, гоҳ миномётчи, гоҳ пулемётчи бўлиб, Руминия, Венгрия давлатларини фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашди, жанг билан Австрия пойтахти Венагага кириб борди.

Пўлат Мўминов урушнинг дастлабки йилларида ўзбек миллатининг ҳар ерда қаддини ғоз тутиб юриши лозимл ги ҳақида кўп қайғурган эди. Урушдан сўнг ҳам бу ўй унга тинчлик бермади.

1946 йил ҳарбий хизматдан бўшаганидан сўнг киндик қони тўкилган юрт — Хонобод қишлоғига келди. Ўз ҳаётини ўсиб келаётган авлоднинг бошланғич ҳарбий тайёргарлигига ҳамда жисмоний тарбиясига бағишлашга қарор қилди. Шу эзгу ният йўлида тумандаги 25-ўрта мактабда етмиш ёшигача меҳнат қилди.

Устоз ёшларни машғулот пайтларида тинимсиз машқ қилишга чорлади. Югуриш — ҳамма нарсанинг отаси, дея болаларни чоптириб чиниқтирди. Турникка тортилиш, ўқ отиш каби спорт турларини батафсил ўргатди. Маориф соҳасида 39 йил фаолият кўрсатди. Бугунги кунда домланинг Н. Нурматова, В. Саримсоқов, И. Юнусов, О. Йўлдошев, Й. Асқаров, К. Алматов, Ж. Алматова каби юзлаб шогирдлари устоз изидан бориб, унга ўхшаб меҳнат қилишга интилишяпти, иш тажрибаларида ўгитларидан фойдаланишмоқда.

Юқорида мардлик, жасурлик хислатлари ҳақида мулоҳазалар юритган эдик. Бизнинг Алпомишлар — матонатли кишиларнинг қалби миллат камолини кўриш, ёш авлодни Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаб бериш каби эзгу ниятлар билан ҳам тўлиқ экан. Улар шу улуғ мақсадлар йўлида бардош билан эл орасида чинакамига меҳнат қилиб юраверишларига амин бўлдим.

Хуллас, бардош билан ишлаш ҳам жасорат. Жасоратни барча жабҳаларда кўрсатиш мумкин. Унга фақат Пўлат Мўминовдек ёна билиш, миллат таолийси ҳақида қайғуриш, унинг камоли ва юрт фаровонлигини ўйлаш, эл манфаатини барча нарсалардан устун қўйиб яшаш бахти насиб этиши лозим экан. Илоҳо, ҳаммамизга мустақил юрт келажаги йўлида эл ичида Алпомиш бўлиб яшаш, меҳнат қилиш бахти насиб айласин!

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

МАНГУЛИК ХОТИРАСИ

"Ўзбекистон" нашриёти Улуғ Ватан уруши фахрийси, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мажид Самадовнинг 1941 — 1945 йилларидаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ҳамюртларимиз ҳақида кўп йиллар давомида тўплаган маълумотлари асосида рус тилида ёзилган "Мангу хотира" ("Навечно в памяти") китобини нашр этди.

Муаллиф собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг Марказий архивида сақланаётган асл ҳужжатлар асосида урушдан қайтиб келмаган ўзбекистонлик жангчиларнинг кўрсатган жасоратлари тўғрисида маълумот беради.

М. Самадовнинг ўзи ҳам 1942 йилнинг ноябридан 1945 йилнинг октябригача Смоленск, Белоруссия, Литва, Шарқий Пруссия жангларида иштирок этган, Берлинни ишғол қилишда қатнашган. Икки марта "Жасорат кўрсатганлиги учун", "Берлинни ишғол қилгани учун", "Германия устидан қозонилган ғалаба учун" сингари медаллар билан мукофотланган. Журналистлик соҳасидаги фаол хизматлари учун эса "Шавкатли меҳнати учун" медали билан тақдирланган.

Ҳарбий мавзудаги қатор китоблар муаллифи М. Самадов ҳозирда ҳам шу соҳада оид ижодий ва жамоатчилик фаолиятини давом эттирмоқда.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси тузилган шартномани бузган ҳолда тўсатдан уруш бошлади. Бу машъум хабар мамлакатимиз халқларини ларзага солди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ҳимоя учун тайёр эканликларини изҳор этишди. Даҳшатли уруш 1418 кун ва тун давом этди. Тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист газандалари дастлаб Брест қалъасини, Белоруссия, Украина, Смоленск шаҳарларини ишғол қилиб, ниҳоят Москва остоналаригача етиб келишди.

Москва остоналари шиддатли жанг майдонига айланди. Душманга қақшатқич зарба бериш шу ердан бошланди. Москва жангларидан сўнг Сталинград ва Кавказ озод қилиниб, олға силжишлар рўй берди. 1942 йил декабрида Волга ва Дон озод қилинди. Ғалаба биз томонда эди. 1943 йил 2 февралдаги Сталинград жанглари мислсиз ғалаба билан ниҳоясига етди.

1944 йилда қўшинларимиз душманга қаттиқ зарба берди. Ленинград, Новгород остоналари озод қилинди. Душман ортга чекинди. Днепр соҳилларида қизғин жанглар бошланди, Белоруссияда "Багратион" операцияси амалга оширилди, Карелия, Болтиқбўйи ва Ғарбий Украина немис-фашист босқинчиларидан тўла озод қилинди.

Урушнинг якунловчи босқичларида Руминия, Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия, Албания, Австралия, Югославия озод қилинди. Рейхстаг тепасига ғалаба байроғи осилиб, фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилди.

Фашистлар билан бўлган жангда ўзбекистонлик жангчилар ҳам мардлик кўрсатишди. Ўзбекистонлик 283 солдат ва офицерга Қаҳрамонлик унвони берилди, шулардан 71 нафари ўзбеклардир. 50 нафар ўзбекистонлик жангчи "Шуҳрат" ордени тўла кавалери бўлган. Юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар ғалаба йўлида ўз жонларини қурбон қилганлар.

М. Самадов 1978 йилдан бўён Марказий архив ҳужжатларини ўрганиб, урушда ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг дафн этилган жойларини аниқлаш ишлари билан шуғулланиб келаётир. Китобда уруш қаҳрамонлари, "Шуҳрат" орденлари тўлиқ кавалерлари, ўзбекистонлик жангчиларнинг мислсиз мардликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф Марказий архивнинг 9-бўлим картотекаси ҳамда дивизия ҳужжатлари асосида ҳалок бўлган солдат ва офицерларнинг рўйхатини китобда республикамиз вилоятларининг ҳар бир тумани бўйича алоҳида ёритиб, уларнинг ҳалок бўлган вақти, дафн этилган жойи, хизмат қилган жанговор қисмларини ҳам кўрсатган.

Қирғин-барот йилларида шаҳид кетганлар хотираси ёдга олинган бу китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги мактабларда "Алифбе" байрамлари бўлиб ўтаётир. Бундай тантаналар 45-, 82-мактабларда айниқса, қизиқарли ташкил этилди. Ҳар иккала мактабнинг ўғил-қизлари "Алифбе"нинг ҳар бир ҳарфи учун алоҳида шеър, қўшиқ ва рақслар тайёрлаб, байрамга йиғилганларни хушнуд этишди. Қисқаси, бу тадбирлар қизиқарли ва жозибали кўринишларга бой бўлди.

М. ЎРМОНБЕКОВА.

Суратларда: ўғил-қизларнинг тантанали маросимидан лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

Тифлепедагоглар анжумани

Биз яшаб турган жамиятда шундай инсонлар ҳам борки, улар борлиқдаги барча нарсаларни кўз ила кўриб, қулоқ билан эшитишдан маҳрумлар. Афсуски, ҳаёт уларни шундай яратган. Бироқ ана шундай кишилар ҳам янги жамиятни шакллантиришда, республикамиз келажак пойдеворини мустаҳкамлашда бошқалар қаторида фидойилик кўрсатмоқдалар, эртанги кун заминини яратишмоқда. Тифлепедагоглар эса кўр ва кар болаларни тарбиялаб, уларга ҳунар сирларини ўргатаётган заҳматкаш муаллимлардир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-услубиёт маркази ҳамда Англиянинг "Вижн интернейшил" халқаро муассасасининг инглиз тифлепедагоглари ҳамкорлигида шу соҳа мутахассисларининг икки ҳафталик ўқуви бўлиб ўтди.

— Амалий семинардан кўзланган мақсад тажриба алмашиш, ташаббускорлик ва янги тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш бўлиб, икки давлат мутахассислари маълум даражада ўз олдиларига қўйган вазифаларни изчиллик билан бажаришдан иборатдир, — дейди инглиз мутахассиси Питер Жонсон.

Анжуман якунида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи М. Қосимов, Республика ўқув-услубиёт маркази дефектология бўлими бошлиғи Р. Шомаҳмудова, "Вижн интернейшил" халқаро муассасаси директори В. Найман, шунингдек, ўқитувчи-тифлепедагоглар сўзга чиқишиб, фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Услубиётчилар ташаббуси

Самарқанд вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти ва Нуробод тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мутахассисларининг ташаббуси билан тумандаги 56-ўрта мактабда кимё ва биология ўқитувчиларининг бир кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда биология дарслари талаблари, кимё дарсларини ташкил этишда масалалар ечишнинг аҳамияти, биология дарсларида ўқувчиларга экологик тарбия бериш, илмгоҳларда ана шу фанлардан ўқувчилар билимини синашда тест усули афзалликлари, ўрта мактабларнинг химия кабинетларида, лаборатория хоналарида ишлаш жараёнида техника хавфсизлигига риоя этиш каби долзарб мавзулар юзасидан тажрибали мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Музокаралар баҳс-мунозаралар тарзида ўтиб, илғор тажрибали мактабларнинг иш фаолияти ҳам ўрганилди. Анжуман қатнашчилари 56-мактаб мутахассисларининг бир соатлик дарсларини кузатдилар.

Мухбиримиз.

• *Таълим ва таъминот*

АНДИЖОННИНГ ҚУТЛУҒ КУНЛАРИ

Андижонда республикамизнинг турли вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган халқ таълими тизимининг таъминот масалалари билан шуғулланувчи ходимларининг уч кунлик семинар-кенгаши ўз ишини якунлади.

Таъминотчиларнинг навбатдаги семинари одатдагидан бошқачароқ — "Таълим-таъминот-Тадбиркор-94"" номи билан аталди. Яъни, атамага "тадбиркор" сўзининг қўшилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Андижонда тадбиркорлик борасида анчагина тажриба тўпланган, бир қатор янгиликлар яратилган, ижодий изланишлар эса давом этмоқда. Таъминотчиларнинг тадбиркорлик масалаларига бағишланган семинаридан кўзланган мақсад — янгиликларни ўрганиш, ўзаро тажриба, фикр алмашиш ҳамда муаммоларни биргаликда таҳлил этишдан иборат. Айтиш мумкинки, уч кун давом этган амалий анжуманда кўзланган мақсадга тўлиқ эришилди, у ишчанлик руҳида, назарий таҳлилларга бой тарзда ўтди.

Меҳмонлар анжуманнинг биринчи кунида Андижон вилояти таълим-таъминот корхонасида амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар билан танишдилар. Шунингдек, корхона қошида ташкил этилган "Ижодкор" ишлаб чиқариш фирмасининг иш йўналиши билан ҳам яқиндан танишишга муваффақ бўлдилар. Улар таълим-таъминот корхонасида ташкил этилган ижодий қўл меҳнати намуналари кўргазмасини ҳам томоша қилганларидан сўнг вилоят халқ таълими бошқармасининг мажлислар залига тўпландилар. Меҳмонларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Саидов қутлаб, мазкур анжуманнинг ишчанлик руҳида ўтишига тилак билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, республика Президентининг ана шу борада чиқарган бир қатор фармонлари ва қарорларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди. Нотиқнинг таъкидлашича, таълим жамиятни ҳаракатлантирувчи бошланғич куч ҳисобланади. Бу хулосанинг қанчалик ҳаёт тўғри эканлигини жаҳон таълими тизимида тўпланган тажрибалар ҳам кўрсатиб турибди. Айниқса, бу борада Америка Қўшма Штатларида, Японияда эришилаётган юқори натижаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улар биринчи навбатда таълим таъминотига алоҳида масъулият билан ёндашадилар, тадбиркорлик борасида мустақил ҳаракат қилиб, маблағ топадилар.

Айни даврда республикамиз ҳукумати юритаётган сиёсат халқ таълими тизими олдига ана шу каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Вазирлик томонидан таълим таъминотини юксалтириш, янги поғоналарга кўтариш учун бир қатор дастур, режа ва тавсиялар ишлаб чиқилган, қарорлар қабул қилинаётир. Уларга мувофиқ, аввало, ички ва ташқи алоқалар, ҳамкорликни йўлга қўйиш, илғор мамлакатларнинг яхши тажрибаларини ўрганиш лозим.

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Муртазо Султонов таъминотчиларнинг олдида турган навбатдаги вазифалар хусусида сўз юритди.

— Яқинда хомашёни йиғиб топшириш бўйича бажарилаётган вазифаларни ҳисоблаб чиқдик,— деди у. — Андижон вилоятида, Қорақалпоғистонда бу борадаги вазифалар ортиғи билан уддаланди. Аммо Самарқанд, Сирдарё, Тошкент каби вилоятларда, Тошкент шаҳрида мазкур масала бўйича орқада қолиш сезиляпти.

Ўқув муассасаларини жорий ва капитал таъмирлаш, қозонхоналарни, ички-ташқи иситиш тармоқларини, томларни, ойналарни кўздан кечириш, бутлаш ишларини 25 сентябрга қадар тугаллашни режалаштирганмиз. Бу ишга ҳам алоҳида масъулият билан ёндашиш зарурлигини унутмаслик лозим. Негаки, ўтган йили кузги-қишки мавсумга тайёргарлик масаласида анчагина қийинчиликларга дуч келинди. Баъзи жойларда мактаб томлари таъмирланмай, ойналар қўйилмай қолиб кетди. Натижада бу хусусда вазирликка қиш пайтида ҳам ахборотлар, шикоятлар келиб турди. Камчиликлар қайта такрорланмаслиги учун ҳозирданоқ ишга жиддий киришиш зарур.

Шунингдек, М. Султонов йиғилишда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг шу йил 20 апрелдаги янги буйруғини ўқиб эшиттирди. Унда, асосан, жойлардаги халқ таълими муассасалари ва ўқитувчиларни кўргазмали ва ўқув қуроллари, техник воситалар ҳамда турли дастгоҳлар билан таъминлаш хизматини янада ривожлантириш мақсадида, барча вилоят халқ таълими таъминот корхонаси қошида хўжалик ҳисобида чакана савдо қилувчи дўконлар вилоят марказида, шароит бўлган тақдирда туман марказларида очилиши лозимлиги кўзда тутилган.

Меҳмонлар Избоскан туманидаги янгиликлар билан танишишга таклиф этилди. Бу ерда вазирлик буйруғига асосан очилган дўконни бориб кўришди. Умуман олганда, Избоскан Андижон вилоятининг энг катта, кўркам ва илғор туманларидан бири. Бу ерда таълим-тарбиянинг ўзига хос янги усуллари яратилаётганлигини анжуман иштирокчилари кўрдилар, тажриба алмашдилар.

Семинар сўнгида Халқ таълими вазирлиги раҳбарларининг таъминот ходимлари билан амалий мулоқоти ҳам бўлиб ўтди. Муаммолар хусусида фикрлар алмашилди, вилоятларда таъминот масаласида камчиликка йўл қўйган ходимлар огоҳлантирилди, уларга амалий йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

• *Замон ва замондош*



ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

Дунёда бир одамни иккинчисига зор қилмасин. Иши тушган одам ўз арзини минг бир андиша билан айтади. Айтгандаям, тўғри тушунса, хўп-хўп, лекин менга нима дегандек миқ этмай тураверса, бундан ёмони йўқ. Дунё кўзингга қоронғу бўлиб кетади.

...Қаршисидаги онахоннинг аҳволини Мирза ака тушуниб турарди. Ўғли институтни битирибди, лекин уй шароити тўғри келмаса ҳам уни Сирдарёга ишга юборишяпти. Мирза ака онахонни сўзига маҳтал қилмади. Институтга борди, ўқитувчилар билан гаплашди, талабаларни ишга тақсимлаш комиссияси аъзолари билан суҳбатлашди. Ниҳоят, Холматжон ўз туманида ишга қолдирилди. Онахоннинг қувонганини айтмайсизми? Бечора қачон Мирза акани кўрса, дуо қилишдан чарчамайди.

Дарҳақиқат, инсонни қилган яхшиликларию,экканларидарахтлари ва албатта, вояга етказган фарзандлари, шогирдлари улуғлайди. Мирза ака бу борада бахти бекам инсон. Туманнинг қаерига борса, қўлларини кўксиларига қўйиб кутиб оладиган одамлар кўп. Негаки, Мирза ака Аҳмедов табиатан яхшилик қилишга, ёрдам беришга, эзгуликка ўрганган одам. Яхшилик бамисоли эрта баҳорда экилган ниҳол. Бир кунмас бир кун барибир ҳосил беради. Бири бўлмаса бири бўлар. "Э, билмаса ҳам майли, одамдан нима қолади ўзи" деб қўяди Мирза ака.

Бу гаплар замирида катта ҳаётий маъно жо. Мирза ака 60 йиллик умри давомида қанчадан-қанча қувонч ва ташвишларни бошидан кечирди. Асли касби педагог бўлишига қарамай, турли лавозимларда фаолият кўрсатди... 1986 йилдан бери туман халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири вазифасида ишлаб келаётир. Изланувчан маорифчи кўплаб илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини оммалаштиришда, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг шахсан раҳбарлиги ва муҳаррирлигида 28-мактаб ташкилотчиси Воҳид Саримсоқовнинг "Бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги", Нодира номидаги 15-ўрта мактабнинг мусиқа ва ашула ўқитувчиси Даврон Қодировнинг "Мусиқа дарси ва тўгаракларида миллийлик асосида ёш авлоднинг маънавий ва эстетик ҳис-туйғуларини ўстириш", 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ўлмас Каримовнинг "Алифбе" байрамини ўтказиш тажрибасидан" каби қўлланмалари чоп этилди. Шунингдек, у олий тоифали ўқитувчи сифатида республика матбуотида турли илмий мақолалари билан қатнашиб келмоқда.

Ҳар бир инсон юрагида, қанчалик бахтга эришган бўлмасин, барибир ушалмаган орзулари бўлади. Табиийки, бизнинг мақоламиз қаҳрамони ҳам бундан мустасно эмас. У баъзан кўнглига яқин одамлар билан суҳбатлашиб қолганида "Э, — дейди бош чайқаб, — илмий ишларни якунлаб, номзодликни ёқлай олмадимда". Мирза ака бунда бир пайтлар бошлаб қўйгану, кейинчалик турмуш ташвишлари билан бўлиб орқага сурилиб қолган педагогикага доир илмий ишини назарда тутади. Лекин унинг бахти шундаки, устоз ўз соҳасини унча-мунча фан номзодию, докторидан кам билмайди...

Устоз катта оиланинг бошлиғи ҳамдир. Турмуш ўртоғи Фарида опа билан тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказишди. Улар турли лавозимларда муваффақиятли ишлаб келишяпти.

Хуллас, М. Аҳмедов ўзининг бутун куч-ғайратини маориф ривожига бағишлади. Қўлидан келганча одамларга — каттаю кичикка яхшиликлар қилди.

Абдусаттор ҲОТАМОВ,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати.

• *Мактабгача тарбия муассасаларида*

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни болалар муассасаларида ҳам бир қатор муаммоларни юзага келтирди. Тўғриси, ўтиш даврининг инжиқликлари, масканлардаги айрим кишиларнинг шошилганлиги, ҳатто ўнлаб болалар боғчалари ёпиб қўйилганлиги ҳам сир эмас. Лекин вазиятни тўғри талқин этиб, ўз ишига масъулият билан ёндашиб, ишбилармонлик, ташаббус кўрсатиб оғир шароитдан чиқиб олиб, ўзини ўзи бошқаришга ўтганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Бухоро вилояти Пешку туманидаги "Навбаҳор" болалар боғчаси шундай тарбия масканларидан биридир. Бу ерда меҳнаткашларнинг 230 нафар кичкинтойлари тарбиянинг турли мутахассисликларини эгаллаган, ўз касбининг билимдонлари қўлида камол топмоқда. Эндиликда бу тарбия маскани туман боғчалари орасида ҳар томонлама ўрнак бўларли даражада ўз мавқеини тиклаб олган.

— Муаммолар келгуси ишларимизни режали олиб боришимизга замин яратди, — дейди боғча мудираси Дилором Жўраева. — Тўғри, аввал бир оз қийинчиликлар бўлди. Айтайлик, тарбия масканимиз учун янги бино қурилиши қолиб кетди, тарбиячиларимиз ҳам ўз соҳасида ишбилармон эмас эдилар. Лекин замон тақозосига кўра иш юритмаган ҳаммадан ортда қолиб кетавераркан. Масаланинг бу жиҳатини ўйлаб, иш юритишнинг янги дастурини ишлаб чиқдик. Қисқа фурсатда амалий натижаларга эриша бошладик. Масалан, яқинда 38 миллион сўмлик қўшимча хоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, дам олиш хонаси, сузиш ҳавзалари, кичик синфхоналар ҳам қайтадан таъмирланиб, талаб даражасига келтирилди. Бу юмушларимиз таълим ва тарбияга ҳам янгича йўналиш беришимизни тақозо этди. Шундан келиб чиқиб, ёшларимизга давлат тили, эски ўзбек ёзуви, лотин алифбоси асосидаги ҳарфлар ўргатилмоқда. Ютуқларга эришишимизда ҳомий ташкилотлар, ширкат хўжаликлари, кичик корхоналарнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Боғчамизда миллий тарбия воситаларига ҳам жиддий эътибор билан қаралмоқда. Х. Ашрапова, М.Тўхтаева, Ш.Ҳайдарова, Ф.Бадирова, Ш.Маҳмудова, Т.Остонова, С.Ҳамидова, Ҳ.Тожибоева, И.Тоҳирова каби ишбилармон тарбиячиларимиз ёшларимизнинг яхши ўйнаб-ўсиши, дам олиши ҳамда илм ўрганишлари учун масъулиятни ҳис этиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Рашид АСЛОНОВ.

Суратда: боғча ҳаётидан лавҳа.

Й.САИДОВ олган сурат.

Республика илмий-педагогик кутубхонаси 60 ёшда

Республика илмий-педагогик кутубхонасининг ташкил топганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз Дилбар Хўжаева кутубхона директори Доно АКРАМОВА билан учрашиб,мазкур илм-маърифат маскани босиб ўтган йўл, унинг фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

– Кутубхона инсон маънавиятининг муҳим манбаидир. Республика илмий-педагогик кутубхонаси Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ёрдамчи бўлинмаларидан бири сифатида 1934 йилдан буён ишлаб келаётир. Кутубхона Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналарнинг илмий-методик, библиография-ахборот ва мувофиқлаштирувчи маркази ҳисобланади.

Кутубхонада илмий-методик, илмий-библиографик, адабиётларни комплектлаш, илмий ишлов бериш ва каталоглар, китобхонларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлашдан иборат бешта бўлим мавжуд бўлиб, уларда 24 нафар ходим сидқидилдан хизмат қилаетир.

Кутубхона фондида кутубхоначилик соҳаси бўйича XIX асрда нашр этилган 3435 га яқин китоб бор. Чунончи, Асвад Иброҳимбекнинг 1887 йилда нашр этилган "Турк тили грамматикасидан дарслик", Расулийнинг 1913 йилда араб ёзувида нашр этилган "Маҳаллий билим юртларининг 4- ва 5-синфлари учун эрон тилидан ўқув қўлланмаси", 1893 йилда нашр этилган "Ҳуснихатдан ўқув қўлланмаси" сингарилар шулар жумласидандир.

Кутубхона фондида бугунги кунда ярим миллиондан ортиқ китоб бор. Фондлар ҳар йили ўрта ҳисобда 18-20 минг нусха китоб, 365 номдаги маҳаллий, хорижий ва ахборот тарзидаги журналлар, 46 номдаги газеталар билан бойиб боради.

Собиқ СССР ва Ўзбекистон ССР Маориф вазирликлари томонидан педагогика ва халқ таълими бўйича чоп этилган журналларнинг биринчи нусхаларидан бошлаб кутубхонада жамланган. Устозлар ва ота-оналар учун мўлжалланган "Ўқитувчи" "Учитель" (1869), "Туркестанский учитель" (1917), "Свободное воспитание" (1907), "Русская школа" (1893), "Министерство народного образования" (1889) журналлари шулар сирасига киради. Уруш йилларида кутубхона иттифоқдошларимизнинг "Британский союзник" газетасини олар эди.

Уруш йилларида ҳам кутубхона ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ. Фонддаги кўп китоблар болалар уйлари, мактабларга туҳфа этилган. Ўша даврда кутубхона республика пойтахтининг маданий марказларидан бирига айланган эди. Унинг қироатхонасида Тошкентга кўчирилган ёзувчи, шоир, олимлар тез-тез йиғилиб туришарди. Улар орасида Корней Чуковский, Анна Ахматова, Алексей Толстой, Корнелий Зелинский, академик Милица Нечкина, М.Горькийнинг неваралари – Марфа, Дарья Пешкова ва бошқаларни учратиш мумкин эди.

Кутубхона ҳозирги вақтда беш мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатмоқда. Булар илмий ходимлар, аспирантлар, мактаб ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юртлари ва педагогика билим юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларидир. 1960-1990 йиллар мобайнида педагогика соҳасида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқди. Улар кутубхонамиздан самарали фойдаланишганини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Кутубхонада ва жойларга чиқиб долзарб мавзуларда китоб кўргазмалари ташкил этиш, илмий-педагогик адабиётларнинг библиографик кечаларини ўтказиш, "Ахборот кунлари" уюштириш анъанага айланиб қолган. Жумладан, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда Юнусобод туманидаги 273-мактабда "Ўқувчиларда Ватан туйғусини тарбиялашда мактаб кутубхоналарининг роли" мавзуида семинар ўтказилди.

Республика илмий-педагогик кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар, олий педагогика ўқув юртлари, педагогика билим юртлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, мактаблар кутубхоналари фаолияти юзасидан ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади.

Тизимга қарашли кутубхоналар учун методик қўлланмалар, тавсияномалар, хатлар тайёрланади, семинар-кенгашлар ташкил этилади, кутубхона ходимларининг малака ошириш курслари ўтказилади. Илғор тажрибалар умумлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Кутубхонамизнинг халқ таълими мутахассисларига кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш борасидаги асосий вазифаси китобхон талаблари, эҳтиёжлари, қизиқишларини тўлиқ қондириш, мутахассисларни кутубхонадан мунтазам фойдаланишга жалб этиш, уларнинг ахборот олиш маданияти савиясини ошириш, энг яхши педагогик адабиётларни тарғиб қилиш, илғор педагогик иш тажрибалари билан таништириб боришдан иборат.

Кутубхоначилик иши бўйича республика илмий-методик кенгаши фаолиятини кучайтириш зарур. Бу халқ таълими тизимидаги кутубхоначилик ишига ягона методик раҳбарликни такомиллаштиришга катта ёрдам кўрсатади. Халқ таълими мутахассислари малакасини, библиографик саводхонлигини ошириш учун ўқитишни тубдан яхшилаш зарур. Педагогика фани ва амалиёти олдида турган вазифаларнинг ҳал этилишига ахборот-библиография таъминоти тизими маълум даражада ёрдам бера олади. Халқ таълими ходимларининг библиографик таъминот тизими ахборотни қидириш, танлаш ва ишлов беришни енгиллаштиради. Бу эса ўқитувчининг меҳнат самарадорлигини ошириш, илғор педагогик тажрибани тезкорлик билан ҳаётга жорий этишнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Кутубхона ходимлари бугунги кунда "Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади" деган шиорга амал қилган ҳолда хизмат қилишаётир. Зеро, кутубхоначидан ташаббускорлик, юксак касб-ҳунар сифатлари, юксак маданиятлилик талаб этилади.

Кутубхонада 60 йил мобайнида кўплаб ўз ишининг жонкуярлари фаолият кўрсатишган. Жумладан, собиқ директор Алиса Влафовна Горбань, ходимлардан Л.В.Павлова, Л.К.Залевская, В.И.Белоусоваларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Ҳозирги кунда сидқидилдан меҳнат қилаётган Х.Чориева, Н.Ҳакимова, Т.Хачатурова, Н.В.Мирошникова, Р.И.Ратнер сингари ходимларнинг номларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтса арзийди.

Маърифат хазинаси – бебаҳо бойлигимиз. Китоб фондларини асраб-авайлашда, оммага хизмат кўрсатишда ходимларимиз бундан буён ҳам астойдил меҳнат қилишларига ишончимиз комил.

Маърифат хазинаси

• ҚУТЛАЙМИЗ •

Ҳурматли Тинчивой ПЎЛАТОВ!

Таваллудингизга 50 йил тўлиши муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга доимо сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Оилангиз, ҳамкасбларингиз, шогирдларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 45-миллий лицей педагоглари.

Қадрли Толибжон ТИЛОБОВ !

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин кўнгилдан қутлаймиз, сиҳат-саломатлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин, бўлажак мутахассисларни етук қилиб тарбиялашда ҳеч қачон ҳориманг!

Қарши давлат университети социология-иқтисол факультети жамоаси.

Азиз Толибжон ИБРОҲИМОВ !

Бир неча йилдирки, Ўрта Чирчиқ туманидаги 13-мактабда ёшларга сабоқ бериб келасиз. 65 йиллик тўйингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Қариндошларингиз номидан укангиз Орифжон.

Бухоро вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, Бухоро шаҳар енгил саноат олий лицей директори

Маҳмуд Содиқович АЗИМОВ !

Муборак 60 ёшга тўлганлигингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз.

Ҳунару билимда асосдир устоз
Кам бўлмас устозни ким этса эъзоз.

Бир гуруҳ шогирдларингиз.

Ҳурматли Ойша АҲМЕДОВА!

Тошкент шаҳридаги 46-мактаб жамоаси ҳамда касаба уюшмаси Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклайди. Доимо юзингизда табассум, лабларингизда кулгу барқ ураверсин!

Ҳурматли Хосият УЗОҚОВА!

Биз Сизни меҳрибон ҳамкасб сифатида жуда қадрлаймиз ва беҳад ҳурмат қиламиз.

Таваллуд топган кунингиз билан самимий табриклаймиз ва муборак айлаймиз. Ишларингизга омад ва ютуклар, оилавий ҳаётингизга бахт, тахту равонлик ҳамиша ёр бўлсин!

Тошкент шаҳридаги 127-мактаб жамоаси.

ТЎЛҒОНОЙ МУКОФОТИ

Муаззам қирлар ва адирликлар оғушида жойлашган олис ва чекка Жарқудуқ қишлоғида 1993-94 ўқув йили бошланиши арафасида барча хонадонларга хушхабар тарқалди. "Ўзбекистон" давлат хўжалигининг бош ветеринария шифокори Абдуолим Отамуродов ҳали боғча ёшидаги қизалоғи — Тўлғанойнинг туғилган куни муносабати билан Ислом шоир номидаги 46-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида 50 минг сўмлик битта мукофот таъсис этди ва у шу куниёқ тантанали суратда эълон қилинди. Ҳозир бу соврин учун аъло ўқиши ва одоби билан билим чўққиларини пухта эгаллашга интилаётган ўқувчилар сони ортиб бормоқда.

Яқинда Тўлғонойнинг онаси Муаззамхон,отаси Абдуолимжон мактаб жамоаси ҳузурига ташриф буюришди. Улар мукофотнинг "чўғи"ни яна бир оз кўтаришларини айтишди. Саховатпешалар бугуннинг мезонини ҳисобга олишган кўринади. "Тўлғоной" мукофоти 25 май, яъни охирги қўнғироқ куни мактаб жамоаси муносиб кўрган энг аълочи ва зукко ўқувчига тантанали суратда топширилади.

Абдураим ЭСОНОВ.

Жангчи шоир, кўпларни илму урфонга ошно этган Шарофжон Орифий 1924 йилнинг баҳорида Шаҳрисабзда туғилди. Ўрта мактабни битирган, эндигина яшаш, севиш ва ижод завқини туя бошлаган йигит Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида бўлди. Бир неча марта оғир ярадор бўлишига қарамай, фронтдан қайтгандан кейин ҳам ижодий ва меҳнат фаолиятини сусайтирмади: шаҳар ҳалқ маорифи бўлимининг мактаблар бўйича инспектори, шаҳар педагогика кабинети мудири, қатор мактабларда директорлик лавозимларида ишлади. Унинг педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эришганлиги ҳам тинимсиз изланишлари натижасидир. Шарофжон Орифийнинг йигирмадан ортиқ бадиий ва илмий китоблари чоп этилган.

Умрининг 70-баҳорини қаршилаётган педагог-шоирга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Шеъриятга йўғрилган ҳаёти кўнгил боласи бўлмиш ШЕЪРИЯТ каби қадрли ва азиз бўлсин, деймиз!

Шарофжон ОРИФИЙ.

Назм дафтаридан

ШАҲРИСАБЗ ДЎППИСИ

Шаҳримнинг бошини нурдай яшнатган
Бебаҳо гилам нусха гулдор дўппи.
Одамларни ҳавас билан қаратган,
Ранг-баранг чамандай бу гулзор — дўппи.
Тонгдаги суюкли тиниқ лоладай,
Товланади дўстлар кийган дўпписи.
Ёшлик хуснин берар қувноқ боладай,
Нафис ипак билан у тикилгуси...
"Санама", "Мусажон" — юз хил номи бор,
Қўли гул ҳамиша тиккан жувоннинг.
Гулдор дўпписида акс этар баҳор,
Қойил қилар безак аҳли жаҳонни.
Бошда яшнар гулзор, чўғ каби ёнар,
Беҳад чиройга бой, минг хил гули бор.
Кўзинг нури, юрак билан тикилар
Шаҳримнинг дўпписи топиб эътибор.

ХАТИН ФАРЁДИ

(Фашистлар Хатин қишлоғини ва унда ҳаёт кечирувчи 149 кишини ёндириб юборган эди)

Қўнғироқ чалинди мунгли дафъатан,
Само узра ўрлар Хатин фарёди...
Бу даҳшатдан титраб кетар ҳатто тан,
Қайин баргларида шивирлар йиғи
Ва болалар доди...
Инсон ёнар гурлаб оловда чирс-чирс,
Эвоҳ, дўстлар, бунга чидаб бўлмас ҳеч.
Ёнар ақл, ёнар юрак, ёнар ҳис,
Хатин узра қора парда — мангу кеч.
Оҳ, паҳлавон Хатин — вафодор қишлоқ,
Не кўргулик тушди азиз бошингга.
Қабристонга айланибди ҳаммаёқ,
Кимлар зомин бўлди умринг — ёшингга.
— Тингла, инсон, тингла, эй буюк юртдош,
Қон йиғлатди бизни қонхўр қузғунлар.
Ғўдаклар ҳам бирга ёнди — елкадош,
Ғамгину алам-ла қул бўлдик бизлар...
Қўнғироқ чалинди мунгли дафъатан,
Кўкка ўрлар эди Хатин фарёди.
Бу ер зиёраттох мангуга зотан
Қалбимизда мудом мархумлар ёди...

Минск шаҳри, 1970.

ЯХШИЛИКДАН ЮРАГИМ ЯШНАР

Биллур кўзгу тип-тиниқ, нафис,
Кўринади аксим рўйи-рост.
Мавж ураги қалбимда кўп ҳис,
Яхшиликлар инсонларга хос!
Қалб кўзгуси нозик, беғубор,
Яхши сўздан товланур ял-ял.
Юрагингда қандай дардинг бор,
Акс этади ёниб худди лаҳ.
Бир ёмон сўз отилди — наштар,
Қалб кўзгуси бўлибди чил-чил.
Яраланар ёмон сўздан дил,
Яхшиликдан юрагим яшнар.



Қўлларида асо кексалар,
Тилларида дуо кексалар.

Содиқ МАҲКАМОВ суръат лавҳаси.

• Спорт

ҒОЛИБЛАР — ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

Газетамизнинг ўтган сонида хабар қилинганидек, Гулистон шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев соврини учун олти кун давомида ғолиблик учун қизғин кураш давом этди.

Мусобақаларда Самарқанд шаҳридаги болалар спорт мактаби вакиллари команда ҳисобида энг юқори кўрсаткичга эришишди. Тошкент шаҳридаги болалар-ўсмирлар олий спорт мактаби талабалари иккинчи, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги болалар спорт мактаби боксчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Вазн тоифаларига кўра урганчлик Ш. Отамуродов, А. Дўстметов, Ф. Ражабов, тошкентлик Б. Зиёджонов, Ж. Ўролбоев, А. Шомирзаев, самарқандлик Ф. Мавлонов, Б. Жўраев, А. Мўминов, қўқонлик Б. Қодиржонов, У Холматов, А. Маҳкамов, жиззахлик Э.Музаффаров, навоийлик А. Отамуродов, қамашилик С. Ҳидоятовлар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан ўрин олишди.

Ёш боксчилар финал мусобақасига жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев ташриф буюргани тантанали маросимга файз киритди. Истеъдодли спортчи ёшларни қийинчиликлардан қўрқмай қатъият ва сабот билан машқ қилишга, тинмай маҳоратларини оширишга даъват этди. Ўзига кўрсатилган ҳурмат ва эътибор учун республика ва Сирдарё вилоят халқ таълими ташкилотларига, спорт жамиятларига самимий миннатдорчилик билдирди.

Мусобақа ғолибларига ҳомийлар Гулистон шаҳридаги "Нафосат" ва "Сайёра" кичик корхонасининг пул мукофотлари топширилди.

Махсус мухбиримиз.

• *Кўча ҳаракати хавфсизлиги*

БОЛАЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Республикамиз тарихида янги давр бошланди. Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги, адолатли жамият қуриш йўлига ўтдик. Ана шу давлат тақдири келажак авлод қўлида. Келажаги буюк бўлган давлатнинг авлоди соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши керак.

Соғлом бола оилага доим қувонч келтиради. Аммо турли тасодиф туфайли кўплаб болалар ногирон бўлиб қолишаётгани сир эмас.

1993 йилда республикамиз ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 4303 тасида болалар жабр кўришган. Бу ҳодисаларда 577 нафар бола бевақт оламдан ўтган, 3753 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олишган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, рўй бераётган бахтсиз ҳодисаларнинг деярли ярми мактабгача тарбия ёшидаги болаларга тўғри келаяпти.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мактаб ёшидаги, айниқса, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари ёки билсалар ҳам унга амал қилмасликлари бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ҳайдовчилар айби туфайли рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар ҳам оз эмас.

Халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади" деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, ўқув-тарбия масканларида болага қанча тарбия берилмасин, бола болалигини қилади. Уларнинг аксарияти тарбиячи ва муаллимларнинг назоратидан узоқлашгач, ўйинқароқлигини қилаверади. Шунинг учун ҳар бир ота-она оилада бола тарбияси билан жиддий шуғулланмас, бу борада масъулият ҳис қилмас экан, уларни тўғри йўлга солиб бўлмайди.

Баъзи ота-оналар фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўядилар, улар билан кўча ва йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган қоида қандай оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида астойдил гаплашмайдилар.

Аслини олганда, бу борада республика Ўқув-методика маркази, республика давлат автомобиль назорати бошқа вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда қатор тадбирларни ўтказиб келаяпти. Йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слётлари, "Светофор", "Яшил чироқ" телевизион танловлари, "Тонг юлдузи" газетаси ва "Келажак тонги" радио-газетаси билан ўтказилиб келинаётган "Диққат, Светофор!" сиртқи танловлари шулар жумласидандир. Кўплаб методик қўлланма, тавсияномалар, плакатлар тўпламлари ҳам чоп этилди. Олиб борилаётган тадбирлар ўзининг яхши самарасини бермоқда. Аммо биз юқорида айтиб ўтилган ташкилот ходимлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик билан бирга биронта ҳам бола шикастланмаслиги чора-тадбирларини кўришимиз керак. Шу йилнинг июнь ойида Наманган вилоятида ўтказиладиган йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слёти шу мақсадга қаратилган.

"Яшил чироқ" телевизион танловининг сўнгги тури давом этяпти. Тўплаш мумкин бўлган 50 очкодан наманганликлар 43, андижонликлар 47, қашқадарёликлар ва хоразмликлар 43 очкодан, Тошкент шаҳри 40, Қорақалпоғистон Республикаси ёш назоратчилари 38 очко тўпладилар. "Яшил чироқ" телевизион танлови, "Диққат, Светофор!" сиртқи танловлари давом этяпти.

Йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотларни фақат боғча ва мактаблардагина эмас, балки мактабдан ташқари болалар муассасаларида, боғчаларда, турар жойларда, дам олиш оромгоҳларида ўтказиш шу куннинг зарур талабидир.

Болаларга ғўдаклик чоғиданоқ йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига аниқ ва тартибли риоя қилишни, кўчалар ва йўлларда ҳушёр бўлишни ўргатиш ниҳоятда зарурдир. Жамоат транспорти бекатларида, мактаблар ва болалар муассасалари, кинотеатрлар, болалар гавжум жойлар яқинида, чорраҳалар ва ўтиш жойларида ҳушёр бўлиш кераклигини болаларга ўргатайлик.

Ёш авлод соғлиғи ва хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш мустақил республикамиз ҳар бир фуқаросининг шарафли бурчидир.

Ф.СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази тарбия ишлари бўлимининг етакчи методисти»
А.СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорати бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори,
В.ЯКУБОВИЧ,
Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги нақлиёт ички ишлар бошқармасининг бўлинма бошлиғи, милиция подполковниги.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг илмий-методик ишлари бўйича проректори Абдусаттор Бойжумановга онаси

Жамол ая БОЙЖУМАНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги Ҳайит Тоғаев номли 19-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ директори

Восиқ МАННОНОВ р

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулидир Фойдаланилмаган мақолаларга езма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Рахмонов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—859. 91934 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6